

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 822-ҳадис

822 - وَعَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَهَانَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَشْرَبَ فِي آيَةِ
الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ، وَأَنْ نَأْكُلَ فِيهَا، وَعَنْ لُبْسِ الْحَرِيرِ وَالذَّبْيَاجِ وَأَنْ نَجْلِسَ عَلَيْهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ
.[5837]

822. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни тилла, кумуш идишларда ичимлик ичиш ва ейишдан ҳамда ипагу дебож кийишдан ва устига ўтиришдан қайтарганлар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Дебож», ипак матоларнинг номлари. Дебож - ўриш-арқоғи ипакдан бўлган юпқа мато.

Бошқа ҳадисда қуйидагича келган:

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тилло ва кумуш идишларда ичманглар. Ипак ва дебожни кийманглар. Чунки ўшалар бу дунёда уларга, охиратда сизларга», дедилар».

(Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти)..

Бошқа бир ривоятда:

«Ким тилло ва кумуш идишда ичимлик ичса, қорнига жаҳаннамдан олов киритур», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз умматларини тўрт нарсадан қайтармоқдалар:

1. Тилло идишда ичимлик ичмоқдан.
2. Кумуш идишда ичимлик ичмоқдан.
3. Ипак кийим киймоқдан.
4. Дебож кийим киймоқдан.

Тилло ва кумуш идишларда ичимлик ичиш ҳаром бўлганидек, уларда таом емоқ ҳам ҳаромдир. Айниқса:

«Ким тилло ва кумуш идишда ичимлик ичса, қорнига жаҳаннамдан олов киритур» дейилган ривоятдан бу маъно яққол англанилади.

Шариатимизда тилло ва кумушни идиш сифатида ва шунингдек, бошқа турмуш асбоблари сифатида ишлатишни ҳаром қилингани бир неча ҳикматларга биноан бўлганини уламо аҳли алоҳида таъкидлайдилар:

1. Тилло ва кумуш қадимда ҳам, ҳозирда ҳам пул бирлиги, гоҳида муомаладаги, гоҳида эҳтиётдаги давлат мулки сифатида ишлатилиб келингани ҳаммага маълум. Агар тилло ва кумушни идиш ёки шунга ўхшаш нарсаларга ишлатиш йўлга қўйиладиган бўлса, мазкур соҳага, яъни, хазина бойлиги соҳасига зарар етиши турган гапга айланиб қолади.
2. Тилло ва кумушдан идиш-товоқ, тароқ, қошиқ ва шунга ўхшаш нарсалар тутишга изн берилса, бойлар орасида манмансираш, мутакаббирлик, ҳамма нарсасини тиллодан қилишга уриниш кучайиб кетиб, жамиятда ноқулай ҳолат вужудга келади. Кўпгина дунёни ларзага солган империяларнинг таназзулга юз тутишларига айна шунга ўхшаш ҳолатлар сабаб бўлгани ҳаммага маълум.
3. Тилло ва кумушдан турли асбоб-анжомлар тутишга рухсат бўлса, бойлар бу борада ўзаро ким ўзарга мусобақа қилган бир пайтда камбағалларнинг кўнгли синиб, паришонҳол бўлишлари юзага келади. Ислом эса, бу ҳолатга ҳеч йўл қўймайди.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Мадоинда эди. Ичимлик келтиришларини сўради. Қишлоқнинг оқсоқоли кумуш идишда сув келтирди. У идишни олиб, келтирувчига қараб отди ва:

«Мен уни қайтарсам ҳам, яна шу идишда олиб келгани учун уни

Ўзига қараб отдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тилло ва кумуш идишларда ичманглар. Ипак ва дебожни кийманглар. Чунки, ўшалар бу дунёда уларга, охиратда сизларга», деганлар», деди.

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни тилло ва кумуш идишларда ичимлик ичмоқ ва таом емоқдан ҳамда ипагу дебожни киймоқ ва устига ўтирмоқдан қайтарганлар», дейилган.

Иккисини икки шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу машҳур саҳобийларданлигини ва у киши Шом тарафларда волий бўлиб ўтганларини аввалги китобларда ўрганганмиз.

Мадоин ўша пайтда Форс юртига қарашли машҳур шаҳарлардан бири бўлган. Биз қишлоқ оқсоқоли, деб таржима қилган ибора «деҳқон» деб келган. Араблар ўша пайтда қишлоқ бошлиқларини шундоқ атаган эканлар.

Ушбу ривоятда саҳобаларнинг бошқа мусулмонларга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган таълимотларини, шариат аҳкомларини қандоқ ўргатганлари худди кўргазмали дарсдек аён бўлиб турибди.

«Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Мадоинда эди. Ичимлик келтиришларини сўради».

Машҳур саҳобий Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Мадоин шаҳрида турганларида кунлардан бир кун сув ичгилари келиб, ўша ерда турганлардан сув келтиришларини сўрадилар.

«Қишлоқнинг оқсоқоли кумуш идишда сув келтирди».

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу катта саҳобий ва катта вилоят волийси бўлганларидан ҳурматларини жойига қўйиш мақсадида бировга амр қилмасдан қишлоқ оқсоқолининг ўзи у кишига сув тутди. Аммо унинг сув келтирган идиши кумушдан эди. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу қишлоқ оқсоқоли қўлидан сувли идишни олдилар, аммо идиш кумушдан эканини кўриб:

«У идишни олиб, келтирувчига қараб отди»

Албатта, Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг қишлоқ оқсоқолига нисбатан бундоқ муомала қилишлари ўша ерда бўлганларни ажаблантириши турган гап эди. Шунинг учун у киши дарҳол ўзлари қилган иш юзасидан кишиларга тушунтириш ҳам бердилар.

«Мен уни қайтарсам ҳам, яна шу идишда олиб келгани учун уни ўзига қараб отдим».

Яъни, бундан олдин ҳам шунга ўхшаш ҳодиса бўлган, Ҳузайфа розияллоҳу анҳуга худди шу қишлоқ оқсоқолининг ўзи кумуш идишда сув тутган, унга кумуш идишда сув ичмоқ мусулмон киши учун ҳаром эканини баён қилиб берган эканлар. Лекин қишлоқ оқсоқоли бу гапларга эътибор бермай яна кумуш идишда қайтадан сув олиб келгани учун Ҳузайфа розияллоҳу анҳу ибрат бўлсин деб, унга юқоридагидек муомалани қилган эканлар. Аммо Ҳузайфа розияллоҳу анҳу ўз сўзлари сингани учун бундоқ муомалага ўтган эмасдилар. Балки, мазкур қишлоқ оқсоқоли ўзининг нотўғри тасарруфи ила Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини синдиргани учун эди. Шунинг учун Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг қаттиқ аччиқлари чиқди. Ва сўзлари давомида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тилло ва кумуш идишларда ичманглар. Ипак ва дебожни кийманглар. Чунки, ўшалар бу дунёда уларга, охирада сизларга», деганлар», дедилар».

Худди шу жумлалар «Таом ва шароб китоби»да келган ва ўша ерда бу масалани батафсил шарҳ қилганмиз.

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни тилло ва кумуш идишларда ичимлик ичмоқ ва таом емоқдан ҳамда ипагу дебожни киймоқ ва устига ўтирмоқдан қайтарганлар», дейилган».

«Ипак» ингичка арқоқли майин шойи бўлиб, «дебож» йирик арқоқли, майинлиги ипакникича даражада бўлмаган шойидир.

Ушбу ривоятда тўрт нарсдан тўрт мақсадда фойдаланмоқ манъ қилинмоқда.

Тилло ва кумуш идишлардан ичимлик ичмоқ ва таом емоқ мақсадида фойдаланиш манъ қилинган бўлса, ипак ва дебожни кийим қилиб киймоқ ёки тўшаб устига ўтиришдан қайтарилмоқда.

Тилло ва кумуш идишларда ичимлик ичиш ва таом тановул қилиш ҳаромдир.

Бу ҳукм эркагу аёлга баробардир. Барча ҳадисларда бу ҳукм умумий қилиб айтилган, ҳеч ким истисно қилинмаган.

Ипак ва дебождан кийим кийиш эркакларга ҳаромдир.

Бошқа ҳадисларда аёллар ипак ва дебож кийишлари мумкинлиги айтилган, иншааллоҳ, кези келганда бу масалани батафсил ўрганамиз.

Ипак ва дебождан тўшак, ўриндиқ сифатида фойдаланиб бўлмаслигини ҳам айтилмоқда.

Бу масалада уламо аҳллари мизнинг, хусусан, ҳанафийларнинг баъзи мулоҳазалари бор. Улар бошқа мазҳабларга хилоф қилароқ шойи тўшакларга ижозат берадилар. Чунки, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг гиламлари устига ташлаб қўядиган, ипакдан қилинган болишлари бўлган. Иккинчидан, устига чиқиб ўтириш ўша нарсани хорлашдек гап, дейдилар ҳанафийлар. Жонли нарсаларнинг расми бор матодан кийим киймоқ ҳаром, лекин ўшандоқ нарсанинг устига ўтириш ҳалол қилинган. Ипак масаласи ҳам худди шунга ўхшайди. Бу ривоятда келган маъно эса, фақат шу жойда бўлиб, уни қўллайдиган бошқа далил йўқ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI